27 МАЙ 1992

Ўзбекистон овози

Рўзномага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

● Рўзнома: «Иштирокиюн» (1918 — 1920 й.) «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

№ 101 (21. 200) 1992 йил 22 май, жума

БАҲОСИ 1 СЎМ.

МАРДНИНГ ИШИ—МЕҲНАТ

ХДП: ҳаёт билан ҳамнафас

● Тошкент вилояти айрим туманларида рўй берган табиий офат кўпчиликни ташвишлантирди. Бошга ташвиш тушганда кўнгил сўраш, кўмакка шошилиш қадимий одатларимиздан. Оққўрғон ва Бекобод туманларида ёққан қаттиқ сел барчани оёққа турғазди. Вилоят ва туманлар ҳокимлари, Ўзбекистон ХДП вилоят ва туманлар кенгашлари раҳбарлари ҳам офат рўй берган онлардаёқ юқоридаги туманларга келишди. Республика Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши биринчи котиби М. М. Расулов дастлаб Оққўрғон туманидаги Алимкент қўрғонида бўлди.

● *Тошкент:*

АҲИЛЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

15 май куни кечқурун ёққан қаттиқ сел, айниқса, шу қўрғонда жиддий зарар келтирган эди. Навоий ва Вотинцев кўчаларидаги ирригация шохобчалари издан чиқди. Қўрғон ҳудудидаги 37 уй қаттиқ шикастланди. «Алимкент»—«Бўка» йўналишидаги кўприк яроқсиз ҳолга келди, «Ленинобод» жамоа хўжалиги Қўнғирот участкасининг далаларини сув босди. 60 ўринли шифохона талофат кўрди. Тумандаги «Озод», «Қаҳрамон», «Маданият» жамоа хўжаликлари экинзорлари зарар кўрди. Айниқса, «Гулистон» жамоа хўжалиги кўп шикаст топди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, кўрилган зарар жами 19 миллион 314 минг сўмликдан зиёддир. Гектар бошига ҳисоблаганда 12 минг 638 гектар экин майдонлари сел остида қолди.

Ташвишли ҳодиса рўй берган кунларидаёқ бошпанасиз, қолганларга ғамхўрлик кўрсатилди. Уларни вагонларга кўчириш, озиқ-овқат, кийим-кечак, дори-дармон билан таъминлашга доир тадбирлар амалга оширилди. Туман умумий овқатланиш идораси шу жойнинг ўзида икки маҳал бепул иссиқ овқат уюштирди. Озиқ-овқат ва бошқа кундалик зарур моллар савдоси ташкил қилинди. Туман ҳокимияти жабрланганлар учун 15 минг сўм ажратди. Ўн беш хонадонга ўзлари яшаб турган жойларида янги уй қуриб беришга келишилди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби М. М. Расулов Алимкентда бўлганида табиий офат оқибатларини тугатиш юзасидан туман партия кенгаши, бошланғич партия ташкилотлари котиблари, фаоллар билан мулоқотда бўлиб, партия раҳбарлари, ХДП аъзоларининг кечиктириб бўлмайдиган вазифалари ҳақида фикр билдирди. Шунингдек, у зарар кўрган бир неча хонадон аъзолари билан суҳбатлашди.

Куннинг иккинчи ярмида у Бекобод туманида энг кўп зарар кўрган Ойбек номли давлат хўжалигида амалга оширилаётган ишлар билан танишди. Бу ерда 1050 гектар ердаги пахта, 220 гектар майдондаги макка, сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари сув остида қолганди.

— Тожикистоннинг Матчоҳ туманидаги учта дамбанинг бузилиши хўжаликдаги аҳволни янада оғирлаштирди, — дейди Бекобод тумани ҳокими Муҳаммадали Расулов. — Дамбадан чиққан сув сел оқимига қўшилиб, 24 хонадон уйларини шикастлантирди. Салкам икки метр саҳнга кўтарилган сув гуваладан қурилган биноларга қаттиқ зарар етказди. Лекин табиий офат қаршисида ҳеч ким довдираб қолмади. Вилоят ҳокими С. Сайдалиев шу куни хўжаликда тонг оттирди. Зудлик билан тузилган штаб одамларни қутқариш, энг зарур ёрдам кўрсатиш бўйича қатор тадбирларни амалга оширди. Энг муҳими, одамлар қурбон бўлишига йўл қўйилмади. Одамларни истиқомат жойларидан кўчириш учун 50 та автобус жалб қилинди. Бошпанасиз қолганларни қариндош-уруғлари, ошнаоғайнилари, таниш-билишлари ўз бағрига олишди. Вилоят ва туман ҳокимиятлари, Қизил Ярим ой жамияти, касаба уюшмаси вилоят ташкилоти, Ўзбекистон ХДП район кенгаши, кўпгина ташкилот, корхоналар, қўшни хўжаликлар тезда ёрдам қўлини чўздилар. Табиий офат оқибатларини бартараф этиш бўйича тузилган комиссия энг зарур чора-тадбирларни кўрмоқда. Уйсиз қолганларга мўлжалланган 30 вагондан 23 таси келтирилди. Уларнинг ҳар бири 68 минг сўмга тушмоқда. Талофат кўрганлар учун уй-жой қурилиши бошлаб юборилди. Жумладан, вилоят жамоа хўжаликлари қурилиш трести ўнта, сув қурилиши трести олтита, агросаноат қурилиши трести тўққизта хонадонга мўлжаллаб уй қуриб бериш мажбуриятини олдилар. Қурилиш ишлари бошлаб юборилди.

— Республикамизда яхши анъана бор, — дейди хўжалик раҳбари Н. Эсонов. — Кимнинг бошига кулфат тушса одамлар ҳам, ҳукумат ҳам қараб туришмайди. Биз офат юз берган онлардаёқ шундай эътибор, ғамхўрликни ҳис этдик. Ҳамма оёққа турди. Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков, сал кейинроқ республика қишлоқ хўжалиги вазири М. И. Исломовлар келиб, ҳолимиздан хабар олишди. Биринчи галдаги вазифалар кўлами чамаланди ва улар амалийлигини таъминлашга киришилди. Дастлабки ҳисоб-китоблар бўйича хўжалик кўрган 9 миллион сўмлик зарарни қоплашда ҳукуматимизнинг катта мададидан умидвормиз.

Дарҳақиқат, Ангрендаги Жигаристон воқеасини эслаб кўринг. Ҳамма бир жону-бир тан бўлиб, кўчки оқибатларини тугатишга киришгани туфайли янги уй-жой поселкаси жуда қисқа муддатда қуриб, фойдаланишга топширилган эди. Оққўрғон ва Бекободда ҳам шундай бўлишига ҳеч шубҳа йўқ. Зотан, жабрланган хўжаликка мададга шошилганлар сафи тобора кенгайиб бораётир. Масалан, Бекобод шаҳридаги корхоналар 10 миллион сўмлик ёрдам беришга келишиб олдилар. Улуғбек номли, «Далварзин», «Авангард», «Навбаҳор», «Бекобод» давлат хўжаликларининг ҳар бири 50 минг сўмдан кўмак беради. Бекобод пахта заводи табиий офат оқибатларини тугатиш вилоят счетига 100 минг сўм ёрдам пули ўтказади. 23 майда ўтказиладиган шанбаликдан тушадиган маблағ ҳам юқоридаги мақсадларга ишлатилади.

Хуллас, уюшқоқлик, аҳиллик, ғамхўрлик бўлган жойда ишлар олдинга силжийди. Бунинг тўғрилигини эса ҳаётнинг ўзи исботлаб турибди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котибига Тошкент вилояти партия кенгаши биринчи котиби Ў. Турғунов ҳамда туманлар раҳбарлари, партия кенгашлари котиблари ҳамроҳ бўлдилар.

А. МАННОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

● *Самарқанд*

ҲАМДАРДЛИК

Кейинги кунларда рўй берган табиий офат Каттақўрғон райони хўжаликларига ҳам катта зарар етказди. Кўплаб майдонлардаги пахта, ғалла, боғ ва токзорлар ёмғирдан талофат кўрди. Бир ярим мингдан зиёд хонадон томорқалари пайҳон бўлди. Шахсий тураржойлар ҳам шикастланди. Дастлабки маълумотларга қараганда, 13 та савдо дўкони, 6 та кутубхона, ўндан зиёд маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бинолари, 10 километрдан кўп узунликдаги алоқа ва электр симлари ишдан чиққан. Йўллар, кўприклар ҳам бузилди.

Кучли сел оқимидан «Мойбулоқ» давлат хўжалигининг Ёнбош, Қоқ, Тельман номли жамоа хўжалигининг Жарбоши, шунингдек, райондаги Қўкча, Тасмачи қишлоқлари ҳам зарар кўрди.

Вилоят ва район ҳокимиятлари офат рўй берган жойларда дарров амалий ишга киришдилар ва бу ердаги талофат оқибатларини тугатиш чораларини кўрдилар. Энг муҳими —одамлар меҳр оғушига олинди.

Ёнбош қишлоғида сел жуда даҳшатли кечди. Бу ердаги 70-мактабни сув босди. Хўжалик фермасидаги 200 дан ортиқ қўй ва эчкини сел оқизиб кетди. Минг афсуски, ўша куни уч киши—икки ёш ва бир қария селдан ҳалок бўлди.

Кеча Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. М. Расулов Каттақўрғонга, хусусан табиий офатдан кучли зарар кўрган «Мойбулоқ» хўжалигига ташриф буюрди. Партия раҳбари бу ерда одамлар билан узоқ суҳбатлашди, ҳалок бўлганларнинг хонадонларига кириб таъзия билдирди. Ўша куни М. М. Расулов район партия фаоллари билан қисқа муддат суҳбатлашди.

Сафар чоғида М. М. Расуловга ХДП Самарқанд вилоят кенгашининг биринчи котиби С. Нишонов ҳамроҳлик қилди.

Ф. ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

● *Фарғона:*

СЕЛ ОҚИБАТЛАРИ ТУГАТИЛЯПТИ

Кейинги кунларда тинмай ёққан ёмғир натижасида Фарғона вилоятининг каттагина экин майдонлари шикастланди. Бешариқ, Риштон, Боғдод, Бувайда, Учқўприк, Олтиариқ районлари хўжаликлари айниқса катта зарар кўрди. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда вилоятда салкам 67,5 минг гектар пахтазорни сув босган, шундан 7,5 минг гектардан кўпроқ ерда чигитни қайта экишга тўғри келади. Дон, сабзавот, полиз, озуқа экинларига, мевали боғлар ва узумзорларга ҳам зиён етган.

Вилоятда табиат инжиқлиги оқибатларини тугатиш юзасидан шошилинч чоралар кўрилмоқда, зарур техника воситалари ва ишчи кучи сафарбар этилмоқда.

(ЎзА).

● *Бухоро:*

СУВ БОСМАЙДИ

Бир неча кун давом этган ёғингарчилик — сел, дўл ва жаладан кейин Бухоро шаҳри ва унинг атрофида яшовчи аҳолини яна ташвиш босди. «Тўдакўл сувга лиқ тўлганмиш, бугун-эрта тошиб, шаҳарни сув босармиш» қабилидаги миш-мишлар тарқалди.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири Илҳом Сафаров масъул кишилардан буни тушунтириб беришни илтимос қилди.

Аму-Бухоро машина канали бошқармаси бош муҳандиси Раззоқ Остонов: сўнгги кунлардаги кучли ёғинсочинлар натижасида Тўдакўл сув омборининг сатҳи анча кўтарилди. Ҳавзадаги сув миқдори салкам бир миллиард юз миллион куб метрга етди. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига қараганда, Тўдакўлга бир миллиард 200 миллион куб метр сув сиғади.

Табиий офатни бартараф этиш шошилинч гуруҳи аъзоси, подполковник Александр Навродский: ҳозир зарур техника — экскаваторлар, бульдозерлар, самосваллар ёрдамида қирғоқлар жадал мустаҳкамланяпти. Ҳар куни ўртача 800 — 900 куб метр тош, шағал, тупроқ келтириб тўкиляпти. Шуни ҳам айтиш керакки, Бухоро шаҳри Тўдакўлдан анча баланд. Комил ишонч билан айта оламанки, шаҳарни сув босмайди. Зеро, кўл тошмаслиги учун барча зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда.

(ЎзА).

● *Қашқадарё:*

ИЗГА ТУШАЁТИР

Қашқадарё вилояти тоғолди районларида май ойи ўртасида рўй берган табиий офат халқ хўжалиги объектларига, жумладан, ичимлик сув иншоотларига ҳам катта зиён етказди. Ёмғир ва сел натижасида вилоятнинг ичимлик сув манбалари жойлашган Китоб, Шаҳрисабз ва Яккабоғ районларидаги ускуналар талофат кўрди, чуқурликда ишлайдиган 12 та насос қуйиб кетди. 250 киловаттли трансформатор, бошқа кўплаб ускуналар ишдан чиқди. Водовозлар шикастланди.

Оқибатда вилоятнинг қуйи районлари ва Қарши шаҳри аҳолисининг сув таъминотида бироз қийинчилик туғилди. Турар жойларга жадвал бўйича сув беришда узилиш рўй берди. Водоканал вилоят ишлаб чиқариш бирлашмаси аҳволни ўнглаш учун ёрдам сўраб вилоят ҳокимлигига, республика Уй-жой, коммунал хўжалик вазирлигига мурожаат қилди.

Дастлабки кунларданоқ вазирлик томонидан амалий ёрдам кўрсатилди. Зудлик билан вилоят ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳисобига 12 та насос ажратилди. Айни пайтда шунинг 8 таси келтирилиб ўрнатилди. Қолганларини ҳам яқин кунларда ишга тушириш мўлжалланяпти.

— Кейинги ёмғир ва дўл бизга 2 миллион 827 минг сўмлик зиён келтирди, — дейди «Водоканал» ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғи А. Қувондиқов. — Аҳволни ўнглаш учун шошилинч чоралар кўришга тўғри келди. Вазирлигимиз ва маҳаллий ҳокимият ишимизга яқиндан кўмаклашмоқда. Айниқса, Азамат Болтаев бошлиқ Шаҳрисабз электр тармоқлари идораси ишидан мамнунмиз. Бу жамоа 250 киловаттли трансформаторни тезкорлик билан ишга туширди. Ўз кучимиз билан водовозларни тартибга келтиряпмиз. Ҳозир вилоят аҳолисини ичимлик сув билан таъминлаш изга тушмоқда.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

● *Ўзбекистон ва жаҳон*

ДЎСТОНА СУҲБАТ

Мамлакатимизга хориждан меҳмон келмаган бирор кун йўқ. Уларнинг мақсади жаҳон ҳамжамиятига тенг ҳуқуқли аъзо бўлган юртимиз ҳаёти билан танишиш, ҳозирги оғир шароитда бизга кўмаклашиш, табиий бойликларимиз ҳамда ишчи кучларидан самарали фойдаланиш йўлларини биргаликда излаб топишдир.

АҚШ жамоатчилиги делегацияси ҳам шу эзгу ният билан республикамизга келди.

20 май куни Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. Каримов Америка Қўшма Штатларининг таниқли жамоат арбоби, АҚШнинг собиқ СССР элчиси Аврелл Гарриманнинг рафиқаси Памела Гарриман ҳонким бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Республика раҳбари дўстона суҳбат чоғида Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий вазият, иқтисодий муаммоларни ҳал этиш борасидаги саъй-ҳаракатлар ҳақида батафсил сўзлаб берди. Ўзбекистон дарвозалари дўстлик ва ҳамкорлик қилишни хоҳлаётган холис ниятли барча мамлакатлар ва кишилар учун ҳамма вақт очиқ, эканлиги таъкидланди.

Америкалик меҳмонлар самимият, ошкора ва дўстона суҳбат учун миннатдорчилик билдирдилар.

Суҳбатда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири У. Абдураззоқов, республика Президентининг давлат маслаҳатчиси Б. Назаров қатнашдилар.

* * *

Меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Халқаро ишлар комитетининг аъзолари билан учрашдилар. Республика Фанлар академиясининг раёсатида бўладилар. Шунингдек улар республика Ташқи ишлар, Олий ва ўрта махсус таълим, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирликларининг фаолияти билан танишадилар. Тошкент давлат университети, Давлат иқтисод университети профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари билан суҳбатлашадилар. Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонасида бўладилар.

(ЎзА).

СУРАТДА: республика Президенти ҳузурида қабул.

Р. НУРИТДИНОВ олган сурат.

(ЎзА).

ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛИ МОЛЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги қурилиши давлат комитетида кўргазма ташкил этилди. Бу ерда шу тармоқ корхоналарида ишлаб чиқарилган халқ истеъмоли моллари намойиш қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов 21 май куни шу кўргазмани бориб кўрди. Ҳукумат бошлиғи кўргазмадаги моллар нинг сифати ва таннархи, уларни савдога чиқариш масалалари билан қизиқди, мутахассислар билан суҳбатлашди.

Ҳозир республика сув хўжалиги қурилиши давлат комитети корхоналарида жами 38 миллион сўмлик 147 хил халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилянти.

Кўргазмага Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Бош вазир ўринбосарлари А. Возненко ва Т. Шарипов ҳам бордилар.

(ЎзА).

● *Хонадонимизда осойишталик бўлсин*

Халқимиз — меҳр-мурувватли, саҳий қалбли, очиқ кўнгиллидир. У ҳамма вақт дўстликни, аҳиллликни, иноқликни қувватлаб келган ва шунга амал қилган. У ҳар қандай низоларни тинчлик, осойишталик билан ҳал этиш тарафдори бўлиб келган ва ҳозир ҳам шундай. У уруш-тўполонларни, қонтўкилишини, қотиллик ва хунрезликни кескин қоралайди. Яқинда Россия Федерацияси, Украина, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон, Озарбайжон, Грузия, Арманистон, Латвия касаба уюшмаларининг ҳафталик давлатлараро ва жамҳуриятлараро мустақил «Медицинская газета» (34-сон) нашрида бир гуруҳ ўзбек шифокорларининг мактуби эълон қилинди. Биз қуйида уни ўзбек ўқувчилари эътиборига ҳам ҳавола этишни лозим топдик.

ЮРАКЛАРИМИЗНИ ЗИРҚИРАТМОҚДА

Деярли ҳар куни Тоғли Қорабоғда, Цхинвалида одамлар ҳалок бўлаётганлиги, хотин-қизлар, кексалар азоб-уқубат чекаётганлиги ҳақидаги хабарлар келиб турибди. Собиқ ССР Иттифоқининг бошқа айрим минтақаларида ҳам мураккаб вазият сақланиб турибди. Оғир дард ва алам юракларимизни зирқиратмоқда. Қон тўкилишини тўхтатиш лозим, муаммоларни тинч маърифатли йўл билан ҳал этиш даркор. Бири-бирига қарама-қарши турган кучлар шуни яхши тушуниб олишлари керак. Ер юзидаги энг қимматбаҳо нарса — бу ҳаёт, саломатлик ва болалар бўлиб, томонлар нималарга асосланишларидан қатъий назар, уларнинг инсониятни бу бойликдан маҳрум қилишга ҳақ-ҳуқуқлари йўқ. Мустақил давлатлар ҳаздўстлигидаги қардош халқларнинг тиббиёт жамоатчилиги мажароларни бартараф этишда сиёсатчиларга ёрдам беришлари зарур, деб ҳисоблаймиз. Биз шифокорларга жумҳуриятлардан бирида тўпланишни, юзага келган вазиятни муҳокама қилишни ҳамда ягона фронт бўйлаб эўравонлик ва қон тўкилишига қарши курашишни таклиф этамиз. Бизнинг мақсад ва вазифаларимиз умумий бўлиб, у ҳамкорлик ва ўзаро ҳурмат асосида янги ҳаётни қуришдан, соғлиқни сақлашни жаҳон даражасига олиб чиқишдан иборатдир. Биз бунга фақат биргаликдагина ҳаракат қилиш, урушларсиз ва қарамақарши туришларсиз эриша оламиз.

Профессор Нажма МАҲМУДОВА, тиббиёт фанлари доктори,
Профессор Ўктам ОРИПОВ, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги,
Профессор Жалол МАҚСУМОВ, Россия Тиббиёт фанлари академиясининг мухбир аъзоси,
Профессор Саиджалол БАҲРОМОВ, тиббиёт фанлари доктори
Профессор Шавкат КАРИМОВ, тиббиёт фанлари доктори, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири.

ХДП: район бўғини ҳаётидан

ОБРЎ ЎЗ-ЎЗИДАН КЕЛМАЙДИ

● «Гулистон» жамоа хўжалигининг Мардон Саидов етакчилик қилаётган партия ташкилотидан Оқших қишлоғида яшовчилар миннатдор. Чунки партия ташкилоти меҳнаткашларнинг кундалик эҳтиёжи масалаларига амалий ёндашмоқда. Масалан, хўжаликда ҳаммом-қурилиши масаласи кўтарилганда, партия ташкилоти қишлоқ оқсоқоллари билан кенгашиб, хўжалик бошқарувига янги қурилишдан кўра эски ҳаммомни сифатли таъмир этишни тавсия этди. Бунинг оқибатида анчагина маблағ иқтисод қилинди, колхозчилар учун қулайлик яратилди.

Оқшихликлар партия ташкилотидан якка-ёлғиз қариялар ва кам даромадли оилаларга кўрсатаётган ёрдами учун ҳам мамнун. Маҳаллий халқ демократчилари қишлоқдаги ўн етти нафар кам даромадли оилани ўз оталиғига олишди. Райондаги Луқмон, Алелича, Поччойи, Юқори Кулиём, Мурғақ қишлоқлари партия ташкилотлари ҳам бу соҳада ибратли тажриба тўплаётган. Жумладан, Алелича қишлоқ партия ташкилоти хонадонларни газлаштириш ва кўчаларни асфальтлаштириш, Мурғак партия ташкилоти ўйингоҳ қурилиши, Ҳафрабод қишлоқ партия ташкилоти ёзги кино-театр қурилиши ташаббускори бўлди.

Албатта, бундай қурилишларни олиб боришни партия ташкилоти ўз депутатлари ёрдамида амалга оширмоқда. Бундан икки ой муқаддам ХДП район кенгашининг ижроия бюросида «Қишлоқда ижтимоий масалаларни ҳал қилишда партия аъзолари бўлган депутатларнинг ташаббускорлигини ошириш бўйича «Зарафшон» жамоа хўжалиги ташкилотида олиб борилган ишлар» муҳокама қилинди. Муҳокама жараёнида партия ташкилоти бу соҳада тўплаган тажриба пухта ўрганилди. Аммо ишдаги нуқсонлар ҳам яққол кўринди. Кўпгина маҳаллий партия ташкилотларида депутатлар фаолиятини йўналтириш суст ташкил қилингани, бу соҳада тажриба йўқлиги аниқланди.

Ижроия бюро мазкур масала бўйича тегишли қарор қабул қилар экан район партия кенгаши аъзолари ва аппарат ходимлари олдида ҳафтада бир кун уюшган ҳолда бир хўжаликда бўлиб маҳаллий кенгаш депутатлари ҳамкорлигида сайловчилар билан учрашиш, уларнинг наказлари қандай бажарилаётганини бевосита ўша жойда ўрганишни таклиф қилди.

Кўп ўтмай Гагарин номли, Охунбобоев номли, «Бухоро», Торобий номли жамоа хўжаликларида шундай тадбирлар ўтказилди. Партия фаоллари депутатлар иштирокида деярли барча қишлоқларда бўлиб, колхозчиларнинг турмуш эҳтиёжлари қандай қондирилаётганлиги, уларнинг ҳаётидаги муаммоларни синчиклаб ўрганишди. Кунларнинг охирида шу колхозларда ижроия бюронинг кенгайтирилган кўчма мажлислари ўтказилиб, аҳвол қаттиқ муҳокама этилди.

Бундай муҳокама учун асос бор эди, албатта. Ҳамма гап шундаки, жойлардаги аҳволни ўрганиш ХДП аъзоси бўлган депутатлар томонидан сайловчилар наказлари бажарилиши хусусида икки хил вазият намоён бўлди. Агар депутат раҳбарлик лавозимида бўлса, у шу туфайли мавжуд имкониятлардан фойдаланиб сайловчиларнинг наказларини бажарган. Лекин оддий меҳнаткаш бўлган депутат табиийки, бундай имкониятларга эга эмас.

Шуни инобатга олиб район партия кенгаши ҳар бир хўжаликда депутатларнинг сайловчилар наказларини бажариши бўйича ахборотномалар тайёрлаб, район ҳокимиятига ҳавола этди. Қишлоқ кенгашлари ҳузуридаги партия гуруҳлари сессияларга тегишли сўровлар билан чиқишди.

Район партия кенгаши ҳузурида ташкил қилинган депутатлик қабулхонаси ҳам сайловчилар наказлари муваффақиятли ижро этилишига самарали таъсир кўрсатмоқда. Қабулхона оддий фуқаро манфаатларини ҳимоя қилиб, уларнинг шикоятлари асосида ҳар куни ўнга яқин масала бўйича тегишли ташкилотларга мурожаат қилмоқда. Кўпинча партия кенгашининг аралашувидан кейин қўйилган масалалар анча осонлик билан ҳал қилинмоқда. Чунки район ҳокими кенгашнинг сайловчилар наказлари асосидаги барча мурожаатларини қўллаб-қувватлаяпти.

Шу билан бирга, кенгаш томонидан кейинги бир неча ой ичида депутатлик фаолиятини чуқур таҳлил этиш бу соҳада тегишли ислоҳотлар ўтказиш лозимлигини кўрсатмоқда. Чунончи, бизнинг фикримизча, қишлоқ ва посёлка кенгашларидаги депутатлар сони мақсадга мувофиқ эмас. Уларнинг фаолиятини таҳлил этиш кўпчилик депутатлар ўз вазифаларини сессияларда қатнашиш ва ҳар кунги юмушлар билан шуғулланишдан иборат деб ўйлаётганини кўрсатмоқда.

Биз ҳозирданоқ келгуси сайловларда депутатликка номзод бўлишга лойиқ халқ демократчилари резервини ҳам вужудга келтирмоқдамиз. Бундай резерв таркибига ҳозир депутатлик фаолиятини намунали амалга ошираётган партия аъзолари ҳамда депутат бўлмаса ҳам кишилар эҳтиёжи тўғрисида қайғураётган фаоллар киритилмоқда. Бу ўрни бўшаб қолган депутатлар учун сайловлар ўтказиш пайтида ҳозиржавоблик кўрсатиш билан бир вақтда партия ташкилотларининг келгуси маҳаллий кенгашларга сайловларга ҳам пухта тайёргарлик билан келиши учун асос бўлиши шубҳасиздир.

● ЭНДИЛИКДА обрў ўз-ўзидан келмайди. Уни амалий ишлар, халқ турмуш ташвишлари билан яшаш билангина қўлга киритиш мумкин. Кейинги ойлардаги фаолиятимиз буни яққол исботламоқда. Айни маҳалда район партия ташкилоти ҳисобидаги 2350 партия аъзосидан 300 киши яқинда сафимизга қабул қилиндилар. Янги аъзолар сиёсий ҳаётда ниҳоятда фаол кишилардир. Бу келажакка умид билан қарашга имкон яратади.

Ҳ. АСАДОВ,
Ўзбекистон ХДП Жондор район кенгаши иккинчи котиби.

Қорақалпоғистон Республикаси. Тўрткўл районидаги Дмитров номли жамоа хўжалигида «Нафосат» тикувчилик фабрикаси самарали фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда аҳоли талаблари асосида турли кийим-кечаклар ишлаб чиқарилянти. Тикувчилар ўзлари тайёрлаган истеъмол буюмларининг бир қисмини жамоа хўжалиги меҳнаткашларига арзон нархларда сотмоқда.

СУРАТДА: ушбу фабриканинг тикувчиси Роҳат Дўстжонова. У ойлик топшириқларини ошириб бажармоқда.

Суратқаш Б. АЛЛАШЕВ.

ОЛАМДА НИМА ГАП?

● ХИТОЙ

ҚЎШНИЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ КЕНГАЯВЕРАДИ

● Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг Бош вазири Ли Пэн мухбирлар билан суҳбатлашди. Суҳбат матни Синьхуа ахборот маҳкамаси орқали тарқатилди.

Бош вазир Хитой Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирувчи Ўрта Осиё мамлакатлари билан дўстона яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантиришга катта эътибор бераётганлигини таъкидлади.

Хитой Ўрта Осиё минтақасидаги давлатлар билан муносабатларни ривожлантиришда ҳозирги тамойиллардан мамнун ва келажакка умид билан қараётир, деди у. Хитой ҳукуматининг бошлиғи суҳбат давомида Совет Иттифоқи парчаланиб кетганидан кейин ХХР янги мустақил давлатлар билан дипломатия ва савдо-иқтисодиёт соҳасида муносабат ўрнатилганлигини тилга олди. Хитойга Қирғизистон, Ўзбекистон ва Қозоғистон раҳбарлари расмий ташриф билан келишди.

Суҳбат пайтида Хитойнинг Шинжонг-Уйғур Мухтор райони Ўрта Осиё мамлакатлари билан чегара атрофидаги савдо-сотиқни муваффақиятли равишда ривожлантираётганлиги алоҳида таъкидланди.

● ВАШИНГТОН

ТАШРИФДАН МАМНУНЛИК

● Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев Миллий матбуот клубида журналистлар билан учрашувда Америка Қўшма Штатларига расмий ташрифидан мамнунлигини алоҳида таъкидлади.

Президент Буш билан бўлган суҳбатдан ва Оқ уйда имзоланган ҳужжатлардан мамнунман, деди Қозоғистон Президенти. Ҳозир Қозоғистон билан АҚШ ўртасида ядро қуроллари устидан назорат ўрнатишга ёндашувда пухта ихтилоф йўқ, деди у.

● БМТ

БОШ КОТИБ БИЛАН УЧРАШУВ

● Озарбайжоннинг БМТ ҳузуридаги доимий вакили Ҳасан Ҳасанов бош котиб Бутрос Бутрос Гали билан учрашди. Озарбайжондаги вазият ва у ердаги ўзгаришлар ҳақида вакил Бош котибни хабардор этди.

Доимий вакил БМТ вакиллари Тоғли Қорабоғ яқинидаги вайрон этилган Озарбайжон қишлоқларини бориб кўрсинлар, деди.

Далилларни аниқловчи Умумжаҳон ҳамжамиятининг вакиллари Ереванга етиб келиши кутилмоқда. Улар кейинчалик Бокуга боришади. Вакилларнинг Тоғли Қорабоғдаги бир қанча жойларни кўздан кечириши режалаштирилган.

● РОССИЯ-СУРИЯ

МУҲОКАМАДА ҚАРЗЛАР МАСАЛАСИ

● Россия Олий Кенгашининг раис ўринбосари Владимир Шумейко бошчилигидаги делегация аъзолари Яқин Шарқ мамлакатлари бўйлаб сафарни якунламоқда.

Дамашқда россиялик вакиллар Сурия Халқ Кенгаши аъзолари билан маслаҳатлашувлар олиб боришди, Сурия Араб Республикаси Бош вазирининг иқтисодий масалалар билан шуғулланувчи ўринбосари Салим Есин билан суҳбатлашдилар. Мунозара чоғида, жумладан, собиқ СССРга Суриянинг қарзларини тўлаш масаласи ҳам кўтарилди.

● АҚШ:

НОМЗОДЛАР БЕЛЛАШУВИДА

● АҚШ Президенти республикачи Жорж Буш билан Арканзас штатининг губернатори демократ Билл Клинтон Вашингтон ва Орегон штатларида бўлиб ўтган бошланғич сайловларда ғалабага эришдилар.

Ҳозир улар ўз партиялари делегатларининг мамлакат президенти лавозимига расмий номзод этиб кўрсатиш учун талаб қилинганидан кўпроқ овозга эга бўлдилар.

Америкалик шарҳловчиларнинг кўплари АҚШда бўладиган Президент сайловида техаслик миллиардер Росс Перо Буш билан Клинтоннинг асосий рақиби бўлиши мумкин, дейишмоқда. Росс Перо яқин орада мустақил номзод сифатида Оқ уйдаги лавозим учун кураш бошлаш ниятини эълон қилса керак.

● ЭРОН

СУВ ТОШҚИНИ

● Эроннинг Каспий денгизи соҳилида жойлашган Гурган шаҳри туманида кучли сув тошқини бўлди.

Кучли ёмғир ёғди. Икки дарё суви тошиб 1010 гектардан зиёд экинзорлар сув остида қолган. 30 та қишлоқни сув босди. Сув тошқини жами 7 миллион доллар миқдорида зарар етказган, деб ҳисобланмоқда.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва рўзномалар хабарлари асосида тайёрланди).

● АФҒОНИСТОН:

МУЗОКАРАЛАР, БИТИМЛАР...

Афғонистон ислом давлатининг мудофаа вазири Аҳмадшоҳ Маъсуд сешанба куни рус ҳарбий асири озод қилинганидан сўнг бунга жавобан Россиянинг «ижобий ҳаракатлари» икки томонлама муносабатларни яхшилашга олиб боради, деб умид билдирди. РАТА — ТАСС мухбири Олег Кузьмин Теҳрондан хабар қилишича, Маъсуд Эроннинг ИРНА ахборот маҳкамаси мухбири билан суҳбатда Қобул жаҳондаги ҳамма давлатлар билан ўзаро ҳурмат ва тинч-тотув яшаш қоидаларига асосланган муносабатларни ўрнатиш ниятида эканлигини айтди.

Мудофаа вазири мужоҳидларнинг турли гуруҳлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар тўғрисида гапириб, мужоҳидларнинг ўтиш даври кенгаши билан Гулбиддин Ҳикматёр бошчилик қилаётган «Афғонистон ислом партияси» ўртасидаги музокаралар давом этаётганлиги ва бу музокаралар ўзаро ўт очишни ва бошқа душманлик ҳаракатларини тўхтатиш тўғрисидаги битимга олиб келганлигини айтди.

Собиқ оппозициянинг таниқли дала командири, Афғонистон ислом давлати адлия вазири вазифасини бажарувчи Жалолиддин Ҳаққоний ҳам Ҳикматёрнинг «Афғонистон ислом партияси» билан ҳозир Афғонистон ислом давлати раҳбарлик кенгашига бошчилик қилаётган Бурҳониддин Раббонийнинг «Афғонистон ислом жамияти» ўртасида ўт очишни тўхтатиш тўғрисида битимга эришилганини тасдиқлади. «Афғонистон ислом жамияти» (Аҳмадшоҳ Маъсуд ҳам шу жамият аъзосидир) аҳволни барқарорлаштириш тўғрисидаги музокаралар орзу қилинган мақсадга олиб боргунга қадар куч ишлатмаслик тўғрисида Ҳикматёр билан аҳдномага эришди.

«Юнайтед Пресс интернэшнл» ахборот маҳкамаси Исломободдан хабар қилишича, собиқ афғон оппозициясининг сўнгги таниқли раҳбари — 1979 йилда Ҳикматёрнинг «Афғонистон ислом партияси»дан ажралиб чиққан худди шу номдаги партияга бошчилик қилаётган Юнус Ҳолис Пешаворрдан Афғонистонга жўнаб кетди. У Нангарҳар вилоятининг маркази Жалолободда Афғонистонга келишга кечикканлиги ўз партияси катта лавозимларни эгаллаб турган янги Қобул раҳбариятига танқидий муносабати билан боғлиқ, деган миш-мишларни рад этди. Шунга қарамай, Ҳолис Ҳикматёрнинг генерал Дўстум лашкарларини Қобулдан олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги талабини қўллаб-қувватлади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби Бутрос Гали, деб хабар қилди РАТА — ТАССнинг БМТдаги мухбири Михаил Кочетков, сешанба куни Қобулда рус ҳарбий асири Сергей Фатеев озод этилганини таб риклади. Б. Гали бундай тадбир «Одамийлик билан боғлиқ шу муаммони ҳал этиш бошланғанлигини билдирди» деган умидни айтди.

(РАТА—ТАСС).

• ФАН—ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА •

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурида Ўзбекистон Республикаси «Фан ва тараққиёт» илмий-технологик мажмуи ташкил этилди ва фаолият кўрсатмоқда. Унинг таркибида «Композицион материаллар» илмий-технологик маркази, махсус конструкторлик бюроси, «Композит» тажриба ишлаб чиқариш; «Ёмирилишга чидамли композицион материаллар», «Табиий полимер материаллари», «Иккиламчи хом ашёлар» ва «Иссиқлик энергетикаси» илмий-технологик марказлари; Андижон шаҳар «Ўзбекистон» савдо-сотиқ ва ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамда таянч ташкилотлар сифатида, «Полимер», «Файз», «Прогресс» ва маиший электр хўжалик жиҳозлари ишлаб чиқариш бирлашмалари, Бектемир пахта тозалаш заводи, «Композит» ва «Янги технология» илмий-техникавий марказлари бор.

Бу ерда кенг кўламда илмий-тадқиқотлар олиб бориш ва олинган натижаларни ишлаб-чиқаришга жорий этиш билан бир қаторда республикамиз олий ўқув юртлари ва илмий муассасаларининг илмий-техникавий потенциалидан самарали фойдаланиш учун уларнинг фаолиятини ўзаро боғлаш ва саноат тармоқлари билан ҳамкорлигини таъминлаш, ниҳоясига етган ишланмаларни ҳаётга тадбиқ этиш учун шароит яратиш ҳамда янги техника ва технология бўйича етук илмий мутахассислар тайёрлашни ўз зиммасига олган.

Мухбиримиз М. Пирматов мажмуа олиб борилаётган ишлар кўлами билан мушторийларни таништириш мақсадида унинг раиси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, техника фанлари доктори, профессор С. С. НЕЪМАТОВГА бир неча савол билан мурожаат этди.

— Сойнбжон Содиқович, республикамиз мустақилликка эришгач, халқ хўжалигининг бундан кейинги ривожида илм-фан тараққиёти алоҳида ўрин тутади. Шундай экан, «Фан ва тараққиёт» илмий-технологик мажмуи фаолияти хусусида гапириб берсангиз.

— Туб ислоҳотларни амалга ошириш шароитида, айниқса республиканинг бозор муносабатларига ўтиши муносабати билан, долзарб муаммоларини ҳал қилишда илм-фаннинг аҳамияти ва олимларнинг масъулияти янада ортади. Бугунги кунда республикамиз илм-фаннинг энг муҳим йўналишларини жаҳон даражасига олиб чиқиш учун энг аввало давр талабига мос тушадиган илмий-тадқиқот ва илмий-мувофиқлаш таркибларини шакллантириш керак бўлади. Бизнинг мажмуимиз бу борадаги биринчи куртакларидандир.

Унинг фаолиятига келсак, асосий вазифалар қуйидагилардан иборатдир.

Энг аввало, «Фан ва тараққиёт» мажмуи режа ва дастури асосида ётган илмий-технологик ишларни бажариш ҳамда республика Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими ва бошқа вазирликлари, республика фанлар, Қишлоқ хўжалик ва муҳандислар академиялари, қолаверса қардош республикалар Фанлар ва бошқа академиялар режа ва дастурига кирган фундаментал тадқиқий ва амалий ишларни олий ўқув юртлари, илмий муассасалар ва ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорликда бажаришда қатнашиш. Буюртмачи билан шартнома асосида илмий-тадқиқот, лойиҳа-конструкторлик ва шу каби ишларни бажариш.

Иккинчидан, олий ўқув юртлари ва илмий муассасаларни тегишли вазирлик ва бошқармаларнинг режа-иқтисод бўлинмалари билан, Ўзбекистон ва қардош республикалари Фанлар академиялари билан ҳамда буюртмачи ташкилотлар билан илмий-техник, молия ва моддий-техника масалалари бўйича ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш. Бундан ташқари «Фан ва тараққиёт» комплекси буюртмачи бўлган махсус илмий тадқиқотларни бажариш.

Учинчидан, илмий муассасалар ва ишлаб чиқариш корхоналарининг ҳамкорлигида илмий-тадқиқот, лойиҳа-конструкторлик ва тажриба ишларининг бажарилишини ташкил этиш. Аниқ илмий йўналишлар бўйича илмий ишланмалар, ихтиро ва кашфиётлар ахборот банкини тузиш; илмий, ўқув-методик ва луғавий адабиётларни чоп этиш. Режа ва дастурлар асосида эса тегишли олий ўқув юрти ва илмий муассасаларда бажарилаётган илмий-тадқиқот, лойиҳа-конструкторлик ва тажриба — ишлаб чиқариш каби ишларни мувофиқлаштириш.

Ва ниҳоят, илмий-техник ишланмаларни янги материаллар, буюмлар, асбоблар ва жиҳозлар ишлаб чиқарадиган тажриба корхоналари, илмий — техник комплекслар, кичик ва қўшма корхоналар ташкил этиш йўли билан халқ хўжалигига жорий этиш ёки бундай ишланмаларни қизиқиш билдирган томонга сотиш.

— Композицион полимер материаллар ҳақида гап кетганда уни албатта бугун ва эртамизни тўла таъминлай оладиган соҳа сифатида тилга олинади. Бу борада қандай ишлар олиб борилянти?

— Кейинги йилларда илмий-техника тараққиётини тубдан яхшилаш, янги техника ва технологияни кенг қўлланиш туфайли ишлаб чиқариш ҳажмини ва унинг самарадорлигини бир қадар оширишга эришилди. Бугунги кунда композицион полимер материаллари халқ хўжалигининг турли тармоқларида ишлатилмоқда. Бу борада республика Фанлар академиясининг Кимё институти. Полимерлар кимёси ва физикаси институти, пахта целлюлозаси кимёси ва технологияси илмий тадқиқот институти, Тошкент давлат дорилфунуни, Тошкент давлат техника дорилфунуни, «Технолог» ва «Прогресс» илмий ишлаб чиқариш бирлашмалари, «Полимер» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Жиззах пластмасса заводи, Тошкент электр-техника алоқа институти, Тошкент кимё-технологияси институти, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, Тошкент ва Самарқанд архитектура-қурилиш институтлари, Фарғона политехника институти ва республиканинг бошқа илмий муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналарида катта ишлар амалга оширилмоқда. Композицион полимер материалларнинг икки томонлама уступлиги бор. Биринчидан, машина қисмлари ва тайёр буюмлар сифатида қўлланиладиган деталлар сифатли, мустаҳкам ва барқарорлиги юқоридир. Иккинчидан эса, ишлаб чиқариш сарф-харажатлари, бу деталларни бошқа турдаги хом ашёлар асосида олишга нисбатан, арзочдир.

Бугунги кунда фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон Республикаси «Фан ва тараққиёт» илмий-технологик мажмуи негизини 1980 йилда Тошкент политехника институти таркибида тавалуд топган композицион ва полимер материаллари илмий-тадқиқот бўлими ташкил этади. Бўлим оёққа тураётган йили 35 минг сўмлик ҳажмда иш бажариш қувватига эга эди. Ҳозирги кунда эса у ҳам бюджет, ҳам хўжалик ҳисоби орқали таъминланадиган ҳамда ўз-ўзини таъминлаш, ижара, пудрат, акционерлик ва бошқа илғор хўжалик юритиш усулларига асосланган шохобчалар, институтлар, илмий ишлаб чиқариш бирлашмалари, бюролар, агентликлар, марказлар ва корхоналарни ҳам ташкил этади.

Шуни фахр билан таъкидлаш керакки, республикамиз композицион ва полимер материаллари ишлаб чиқариш ва саноатда кенг қўллаш учун етарли илмий ва техникавий имкониятга эга. Лекин биз ана шу имкониятдан самарали фойдалана олмаяпмиз. Бунинг боиси сифатида машинасозлигимизда нометалл материаллардан фойдаланиш улуши икки—беш фоизни ташкил этишини эслатиш кифоя. Ривожланган мамлакатларда бу рақам анча юқори. Масалан, Америка Қўшма Штатларида бу кўрсаткич 15—20 фоизга тенг. Японияда эса 2000 йилга бориб бундай материаллардан 50 фоиз деталларни ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда комплексимиз олдида катта масъулият ва ғоят муҳим вазифалар турганлигини ҳис этамиз.

Комплексимиз машинасозлик, асбобсозлик ва қурилиш индустрияси учун ҳам янги композицион полимер материаллари ва буюмлари ишлаб чиқаришни кўзда тутади. Бу ишларда саноат чиқиндиларидан фойдаланишга алоҳида эътибор бераяпмиз. Бу ўринда шуни таъкидлаб ўтиш зарурки, республикамизда полимер ва композицион материаллари ва улардан ускуна ясаш технологияси устида муҳим ишлар олиб бораётган олимларимиздан ФА академиклари Қ. Аҳмедов, Ҳ. Усмонов, Ҳ. Усмонхўжаевлар ва ФА мухбир аъзолари М. Асқаров, Ю. Тошпўлатов ва Р. Маҳкамовлар ишлари алоҳида таҳсинга сазовор.

Республикамизда минглаб пахта териш машиналари ва механизмлари ишлатилади. Биз мана шу машина ва механизмларнинг ишчи органларини «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа корхоналар билан ҳамкорликда композицион полимер материаллардан тайёрланмоқда. Бундай деталларни ишлаб чиқаришдан халқ хўжалигимиз ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий манфаат кўради. Чунки бу деталлар аслида қимматбаҳо металлардан тайёрланар ва улардан фойдаланиш жараёнида маълум сабабларга кўра, ёнғин чиқиш ҳавфи туғилар эди.

Тола ва чигитнинг ўзига хослигини таъминлашда пахта тозалаш саноатида ишлатиладиган машина ва механизмларнинг ишчи органларини композицион полимер материалларидан тайёрлаш яхши самара бераётганлигини ҳаёт ўзи кўрсатиб турибди. Бу ишланмалар Челак, Қўрғонтепа, Ромитан, Жиззах ва бошқа пахтани қайта ишлаш корхоналарида қўлланилди, материалларни алмаштиришнинг ўзидан 10 миллион сўмга яқин иқтисодий самара олинди. Бу амалга оширилаётган ишларнинг дарёдан бир томчисидир.

— Ишлатиб бўлинган саноат жиҳозлари кўз олдимизда чиқиндига чиқарилиб, ташлаб юборилади. Олимларнинг бу ҳақдаги фикрлари қандай?

— Шу муаммо хусусида батафсил тўхталмоқчи эдим. Ўз муддатини ўтаб бўлган автомобиль ва трактор шиналарини ҳамда ишлаб-чиқаришда қўлланиладиган резина-техника буюмларининг чиқиндиларини олайлик. Республикамизда бу турдаги чиқиндилар миқдори ҳар йили 30 минг тоннадан ошмоқда. Бундан ташқари, кейинги 10 йил мобайнида йиғилиб қолган резина чиқиндилари ҳам бор. (Бу борада «Узбекровля» комбинатининг қувватидан етарлича фойдаланилмаётганлигини таъкидлаш керак). Буни қарангки, резина чиқиндиларини қайтадан хом ашё сифатида ишлатиш мумкин экан, яна қаерда денг — резина-техника маҳсулотларини олишда. Натижада резина учун асосий хом ашё — бугунги кунда ўта ноёб ва қиммат бўлган каучукни 50—60 фоизга тежаш мумкин эди. Бу масалада республика Автомобиль транспорти вазирлиги корхоналари билан ҳамкорликда ишламоқдамиз.

Бу борадаги ишланмалар ишлаб чиқаришда кенг қўлланилмоқда. Тошкент резина-техника буюмлари заводида машинасозлик учун зарур буюмлар ва деталлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатдики, республикада резина чиқиндилари қўшилган композицион материаллардан тайёрланган буюмларни ишлаб чиқариш йилига юз миллион сўмдан ортиқ фойда беради.

Халқ хўжалигининг бой заҳирага эга бўлган тармоқларидан яна бири пахтачилик. Республикамизда ҳар йили беш миллион тоннага яқин целлюлозақоғоз ва гидролиз саноати учун ноёб хом ашё бўлган ғўзапоя ҳосил бўлади. Унинг 1,5 миллион тоннага яқин қисми қишлоқ аҳолисининг эҳтиёжи учун ёқилғи сифатида ишлатилади. Ғўзапоянинг ғоят оз қисми ёғочни қайта ишлаш ва целлюлозақоғоз саноатида ҳамда илмий-тадқиқот ишлари учун сарфланмоқда. 3 миллион тоннадан ортиқ ғўзапоя эса кузги шудгор пайтида ҳайдаб ёки ёқиб юборилади.

Биз бундай исрофгарчиликнинг олдини оляпмиз. Ғўзапоя асосида қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйяпмиз. Бу эса четдан турли ёғочтахта маҳсулотларини олиб келиш -эҳтиёжини камайтиради, албатта. Бу масалани ҳал қилишда биз Маҳаллий саноат вазирлиги корхоналари, «Ўзбекмебель» ижара корхоналар ассоциацияси ва Вазирлар маҳкамаси қошидаги қурилиш конструкциялари ва ёғочни қайта ишлаш бўйича Бош бошқарма билан ҳамкорликда ишламоқдамиз.

— Мисол тариқасида аниқ бир илмий-технологик марказ бажараётган иш билан таништирсангиз.

— Мисол учун «Иссиқлик энергетикаси» илмий-технологик маркази иш фаолиятини олайлик. Профессор Ж. Муҳиддинов раҳбар бўлган бу марказ Тошкент давлат техника дорилфунуни, мутахассислари билан биргаликда, асосан, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш масалалари билан шуғулланади. Ишнинг моҳияти маҳсулотларни иссиқлик энергиясидан фойдаланиб саноат миқёсида қуритишдан иборат. Бунинг учун керакли техника ва технология яратилган. Қуритиш қурилмаларининг бир неча тури бор. Уларни пиёз, қалампир, сабзи, олма, ўрик, нок, олча ва узум каби маҳсулотларни қуритишда ҳамда нон ва макарон маҳсулотлари ишлаб чиқаришда қўлланиш мумкин. Қурилмалар қуритиш жараёнининг тезкорлиги, қуритилган маҳсулотнинг сифатлилиги, электр ва иссиқлик энергиясини кам сарф қилишлари билан ажралиб туради. Ҳозир булар республикамизнинг ўнлаб давлат ва жамоа хўжаликларида ишлатилмоқда. Қизиқиш билдирган саноат корхоналари ва жамоа хўжаликлари учун шундай қурилмаларни шартнома асосида етказиб беришимиз ва манфаатдор томонлар билан бу соҳада ҳамкорлик қилишимиз мумкин.

— Бугунги кунда ҳал қилинниши зарур бўлган муаммолар хусусида тўхталсангиз.

— Республикамиз олим ва муҳандислари халқ хўжалиги учун ғоят муҳим бўлган муаммолар устида ишламоқдалар. Янги-янги ихтиролар яратилмоқда. Аммо бу изланишлар натижалари баъзи ҳолларда ўз эгасини топа олмай, самара бериш имкониятидан маҳрум бўлмоқда. Шу боис фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш учун тинимсиз изланяпмиз. Бу борада республика вазирликлари, тегишли идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб боряпмиз.

АСОСИЙ ЙЎНАЛИШ

Яна бир муаммони айтиш ўринли. Яқинда Республикамиз Президенти И. А. Каримов олимлар билан учрашувда таъкидлаб ўтганидек, илм-фан ҳозирги пайтда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ўзгаришларнинг таркибий қисми бўлиб қолиши лозим. Шунинг учун ҳам куч-ғайратларни ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг асосий муаммоларини ҳал қилишга сафарбар этиш, бошқарувнинг самарали усулларини, илм-фанни ташкил этишнинг пировард-натижа учун илмий масъулиятини оширишга қаратилган илғор шаклларини тезкорлик билан изланишни авж олдириш зарур.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида илмий муассасалар ўз ишланмаларининг рақобатдошлигини таъминлашлари ва самарали натижаларга тезроқ эришишларига тўғри келади. «Фан ва тараққиёт» илмий-технологик комплексининг мутахассислари худди шу йўлни асосий йўналиш деб билмоқдалар.

МАШРАБ ТАВАЛЛУДИНИНГ 350 ЙИЛЛИГИГА

Девонаи Машраб, бу сўзунг дардга даводур, Оҳиқ элининг кўнглига бир ўт қалаб ўтдум

• ИЛК МАРТА ЭЪЛОН ҚИЛИНМОҚДА •

ШОИР МЕРОСИДАН

Машрабнинг турли кутубхоналарда ва шахсий кишилар қўлида сақланаётган кўпгина қўлёзмалар, тазкира, баёз ва тўпламлардаги шеърлари китобхонларга етказилгани йўқ. Айрим ғазалларини эса диний руҳда ёзилгани учун девон тузувчилар чўчиб ўз тўпламларига киритмадилар.

Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтида Машраб қаламига мансуб 9968-рақамли бир қўлёзма сақланмоқда. Унда Машрабнинг «Кимё» асаридан 16 кимё (боб), «Мабдан нур» китобининг иккинчи дафтари ва шоирнинг 71 ғазали, 7 мухаммаси, битта мусаддаси берилган. Ғазаллардан 4—5 таси Машрабнинг ҳозиргача нашр этилган девонларида учрайди, қолганлари чоп этилмаган. Шу ғазаллардан айримларини илк бор ўқувчиларга ҳавола қиляпмиз.

МАШРАБ

ҒАЗАЛЛАР

Ҳамдамим йўқ, водариғо, дур тушубдур манзилим,
Чун кўкарганда хазон келди, қурубдур ҳосилим.

Ҳеч ким мандек паришону аламлик бўлмасун,
Умрим ўтти, чун очилмасдур бордур мушкулим.

Чун ҳазон келди, баҳоримдин киши топмай хабар,
Охири вақти кўкарганда, қуруди ҳосилим.

Қайси бир хошокни гирдоби бўлгайман букун,
Юз насиҳатдин тузолмайдур бу нафси жоҳилим.

Мардум озорман забун дерларки, кўрдум оқибат.
Не ёмон қилди жаҳонда бу мени аччиғ тилим.

Аждаҳони заҳридин бадтардур, билгил ганда сўз,
Ҳамнишини бадга учрабдурки руҳи қобилим.

Бораман Машраб шу ғурбатхонага ҳайрон бўлуб,
Бир алифдин ўтмагайдур то ҳануз бу таҳсилим.

* * *

Эй, касал, бошингни ур вақтида, Луқмон кетмасун,
Ҳеч ким мандек букун чоки гирибон кетмасун.

Дарди бедармонга учрабман, табибим йўқ мани,
Ҳеч уммат, ё раб, ул муҳтожи дармон кетмасун.

Онқадар зикрига мойил бўл, агар чин бандасан,
Хонаи кўнглунгни танг тутма, бу меҳмон кетмасун.

Марг осондур, бу йўлга бандалик қилмоқ қийин,
Кетса жон кетсун вале мўъминдин иймон кетмасун.

Йўлга қолса, кўза синса, ҳаббанга арзимас,
Ҳеч кимни кўзасида дарзи хумдон кетмасун.

Бандани айбин ким қилди, Худо қаҳри келур,
Ҳеч ким дунёдин аммо ғарқли исён кетмасун.

Аввалин мўъмин келиб, бир лак киши қўлин олиб,
Охири чун Барсисо ҳамроҳи шайтон кетмасун.

Барча иш осон эрур, Машраб, чу мўъминлик қийин,
Бейимон ҳеч ким бу дунёдин гўристоқ кетмасун.

* * *

Олими руҳонийларга ошно бўлмоқ керак,
Хонумонни тарк этибон, мосиво бўлмоқ керак.

Кўзи йўқ аъмо на билсин юратурган йўлини,
Йўлни билмас омийларга раҳнамо бўлмоқ керак.

Тўтиёи нафс бўлур, кўзаро бўлса ғубор
Кўтариб кўздин ғубор сан, тўтиё бўлмоқ керак.

Бир насиҳат айтайин, олғил қулоғингга, эшит,
Доимо ҳамсуҳбати марди Худо бўлмоқ керак.

Авлиёлар нисбати булдурки, сан билсанг муни,
Ўзига, дарду дигарларга даво бўлмоқ керак.

Марди ҳақни суҳбатига бир замон бўлган киши,
Бир нафас бирла вужудин кимё қилмоқ керак.

Авлиёлардек муаззам бўлайин дегон киши,
Машраби шўридадек соҳиб азо бўлмоқ керак.

Адабиётшунос И. АБДУЛЛАЕВ тайёрлаган.

Омор МАТЖОН

БУ — МАШРАБ, МАШРАБ!

Машраб — авлиё. Демак, у вали, башоратчи. У замонлар дарвеши, ҳаёт раққоси. Бир юракда шунча қувват, нола, наво нечук жам бўлгани бир яратганнинг ўзига маълум.

Алишер Навоий фахрий академиясида ҳечса бир ҳарф ўрганган катта-кичик устозшогирдларга яхши аён: Машраб бу даргоҳда ҳам эркин. Ўз одами. Унинг кўнглини оғритишга журъат этмайдилар.

Машрабнинг таваллуд куни умум нишонланаётган айёмда шу меҳр, шу алқаш, шу эркалик очиқ сезилиб турибди.

Фалак дарахтидан айни тонг чоғи
Оқ-қора қушларни ҳуркитган ким у!!
Ёз базми олдидан ўн саккиз оқшом
Булбулга шўх куйлар ўргатган ким у!!
Ким у, сўзларига сира йўқ тараф,
Бу — Машраб, Машраб!

Бу нечук манзилдир, тоғлар соқчидир,
На бешик — кўк-яшил байроқ ёпинчи!!
Бу қандоқ гўдакдир, алласи — бўрон,
Юлдузлар — ўйинчоқ, яшин — овунчи!!
Ким у, булутларни йиртган бир қараб,
Бу — Машраб, Машраб!

Ким у, темурийлар хонадонининг
Учоқларини қучиб, қўр титаётган!!
Йўллар тикланишин, тож ярқирашин,
Миллат уйғонишин зор кутаётган!!

Ва зулматни бузган наъралар бошлаб,
Бу — Машраб, Машраб!

Ким у, юпун миллат дарди қаёну
Бири бирига ёв беклардан безган!!
Мансаб, ҳою ҳавас эркидан кечиб,
Ҳокимлар, тақиқлар, чеклардан безган!!
Бу қандай мактабдир, бу нечук матлаб,
Бу — Машраб, Машраб!

Уғри—қароқчини арзанда тутган
Қўрқоқ қозилардан ҳазар этган ким!!
Кунимиз шу-да, деб, ҳар куйда қолган
Кўнган, розилардан ҳазар этган ким!!
Ким у, ҳақсизликка отилган ғазаб,
Бу — Машраб, Машраб!

Ҳў-ҳў, ким йиқилди фитнадан ногоҳ,
Лекин қўлидаги ҳақ жоми бутун!!
Имони бутундир, севгиси бутун,
Кўнгли бутунларга саломи бутун,
Улса ҳам кетмаган бизларни ташлаб,
Бу — Машраб, Машраб!

Кўзлар мўмиёй, ким у меҳрибон,
Мингбулоқ олови устида пайдо!!
Ким у Ҳаж йўлида юртдошлар билан
Умидлари каби кийган оқ ридо!!
Ким у, ишқ аҳлини куйлар кўз ёшлаб,
Бу — Машраб, Машраб!

Неча бор эланган ерда жисмлар,
Неча бор эврилгай замину замон,
Неча ўзгаргайдир рубобда симлар,
Аммо абадий нур, абадий исён,
Тангрига ҳам суюк ташлай олган гап,
Бу — Машраб, Машраб!

Ҳали кўп ухларсан, огоҳ бўл, юрак,
Ахиран уйқудир оламнинг кори.
То кўмиб кетмасин яна минг-минг йил
Майдалаб ёғувчи ғафлат ғубори.
Юр, юр, шамолингдан туманлар тарқаб,
Эй, Машраб, Машраб!

Кел, бугун, эй шоир, гумроҳ тўполон,
Турли гуруҳлардан нифоқни кўтар!
Умгани оҳиста тикланаётган
Халқинг-ла бу озод байроқни кўтар!
Сувратинг бир шараф, руҳинг бир шараф,
Эй, Машраб, Машраб!

Иброҳим ҒАФУР

СУРАТИ БАШАР, СИЙРАТИ МАЛАК

1.

ДУНЁНИНГ марказида қон ялаган, жаҳонни ўзи каби одамларнинг қонига ботирган ва ўзи каби одамларни неча ўн йиллаб тиканли симлар билан ўралган жаҳаннам чоҳида сақлаган «доҳийлар» эмас, Бобораҳим Машраб туради.

Бировнинг ризқини емаган, бировнинг молига ҳавас қилмаган, ўзи каби одамларга ҳеч қачон озор бермаган ва зиён-заҳмат етказмаган, ҳеч қачон ҳеч қандай бошпанаси, мол-дунёси, ҳирсу ҳаваси бўлмаган, жамики олам даргоҳларини ўзига уй деб билган, дунёни дарбадар кезиб, ҳақиқат нурини қидирган Машраб ўзини чиндан ҳам оламнинг марказида турган каби тасаввур этади.

Машраб ҳар бир ғазалини чин маънода манифест каби ёзади. Дунёни ўз қарашларидан, ўз аҳволидан, руҳий ҳаётида кечаётган ҳеч тинмайдиган ғалаёнлардан хабардор қилади.

Машраб манифест ғазалларида ўзини дунёга сиғмаган одам деб эълон этади. Ўзини бахтсизларнинг бахтсизи, кулфатзадаларнинг кулфатзадаси, бир зум ҳам ғам юкидан фароғат топмаган кимса деб танитади.

Машрабнинг машҳур шеърларидан бирида киши тасаввурини жавлон урдирувчи — билмадим, дунё шоирларида бундай фавқулодда сурат бормикин, йўқми, — бир тасвир яратади. Бу ҳақиқатан ҳам қаламда чизилган эмас, сўз билан ёзилган эмас, айни яратилган тасвир:

Аршнинг кунгурасин
устига қўйдум оёқим,
Ломакондин жой олибман,
бу маконни на қилай?!

Арш — коинот қаърида ердан қараганда ва одамнинг нигоҳи билан боққанда энг юксак макон. Унда Яратганнинг тахти — Руҳул-Қудс макон тутган.

Бу фавқулодда ҳайратомуз байтда Машраб кўз ўнгимизда коинот қадар юксалиб туради. Энди арш қадар юксала бориб унинг кунгурасига оёғини қўйиб турган инсон боласини тасаввурингизга келтиринг. Инсон бу байтда шу қадар буюк ва тенгсиз бир мақомда кўринади. Машраб жуда кўп ғазалларида ўзининг тасаввуримиздаги реал оламга сиғмаганлиги ҳақида ўртаниб ва куйиниб ёзади. Бу ерда эса яна ўша дунёга сиғмаган зот ўзини коинот кунгурасига оёқ босиб тургандек тасаввур этади.

Машраб моддий, реал оламга сиғмагач ва ундан ўз ўрнини топмагач, ўзини коинотга қўшилиб кетгандек сезади.

У моддий дунёдан бутунлай юз ўгириб, йўқлик дунёсини, яъни унинг тили билан айтганда, ломаконни хоҳлайди ва ломаконни соғинади.

Бутун муҳаббатини ломаконга қўяди.

Нега?

Моддий, реал дунё уни бахтсиз ва бесарупо қилгани учунми?

Ёлғиз Яратганнинг муҳаббатини тан олгани ва излагани туфайлими?

Нега у бу қадар дарбадар?

Бу қадар бошпанасиз?

Бу қадар қаландар?

Бу қадар девона?

Бу девоналик барча моддий нарсалардан ва лаззатлардан воз кечилгани сўнггида эришиладиган энг олий шуур эмасми?

Энг олий шуур?

Энг олий шуур — Худогагина хос-ку!

Лекин бу Худо жамолига тўхтовсиз интилган бандасининг нуқтан назаридаги энг олий шуур.

Фақат угина Машраб ғазалларида келганга ўхшаш тасвирлар яратиш имконини беради.

Шундай қилиб, биз ўша байт орқали Машрабни коинот кунгурасининг устига оёғини қўйиб турган зот сифатида таниймиз.

Машраб бу юксак хаёлда у ерда нима қилиб турган экан, деймиз. У борлиқ эгасининг васлини қидириб ва уни моддий дунёдан топмай арш аълога кўтарилган ва у ердан туриб васл қидираётган ҳолда кўзга ташланади.

Машраб учун васл қидириш бизнинг зарра дунёмиздагина эмас, коинот миқёсида давом этади.

Васл излаш оромсизлиги Машраб учун энг олий оромга ва шу йўлда моддийликдан воз кечиш бахтсизлиги энг нурафшон бахтга айланади.

Ўзининг васлига интилишгина бор. Шу интилишгина ҳақиқат! Шу интилиш орқалигина инсон ягона саодатга эришади.

Васл Машраб учун ҳамма нарсадан юқори ва аъло. Васл олдида ҳатто биҳишт ҳам, дўзах ҳам моддий, яъни тасаввурга сиғадиган олам ва улар Машрабни васличалик қизиқтирмади.

Фақат ломакон. Яъни чексиз, интиҳосиз, тасаввурга сиғдириб бўлмайдиган йўқликкина Машраб кўз ўнгида биринчи даражали қимматга эга.

Шунда Машраб шу ерда коинот юксаклигида, яъни арш кунгурасига оёғини

2.

тираган ҳолда ўзи қидириб топган энг буюк ҳақиқатлардан бирини баён этади:

Бир Худодин ўзгаси барча ғалатдур, Машрабо...

Бу фикр шу қадар ёрқин, шу қадар ёмби ва шу қадар туркона содда.

Ва шу қадар мутлақлик — ҳақиқатнинг мутлақлиги мужассам унда.

Бу ердаги «ғалат» сўзи одам ҳушини оладиган даражада гўзал ва чексиз бир маънога эга сингари кўринади.

Одам боласининг моддий дунёга нисбатан азалий шубҳаси шу сатрда акс этган. Жами ҳайрат шу сўзда акс этган ва оламнинг кебилан қолади».

Машрабнинг улуғ муҳаббат ва боқийлик ҳақидаги фалсафаси шунга асосланади.

Аршнинг кунгураси Машраб учун чексиз оламнинг остонаси.

Машраб сиймосини агар тасаввуримизга келтирадиган бўлсак, уни доим остона қошида турган зот каби тасаввур қилсак, унинг тўғрисида бир қадар ҳақиқатга яқин тасвирга эга бўламиз.

Машрабнинг барча нолафарёдлари шу остона остидан эшитилади.

«Остона» нима экан? Остона — васлга етишнинг

3.

энди ҳудуд.

Одам боласи шу остонадан шул эшиккача бўлган ҳудудда истиқомат қилади. Шу ҳад ва ҳудуд орасида интиҳосиз бошланишлар ва охирлашлар юз беради. Яна Худога маълумроқ.

Бир қарашда Машраб мисрасидаги гап жуда тушунарли. Жуда одми гап. «Девона»нинг гапи. Яъни бу гўзал севгилининг эшиги.

Аммо одам боласига фожиа бўлиб туюладиган нарса шундаки, у доим ошиқ юзига берк.

Қачон очилиши маълум эмас. Ҳеч қачон маълум бўлмагай.

Отабек юзига тимтирс беркилган эшик деб ўйлайдилар. Отабек ҳам ошиқ. «Гуноҳкор» ошиқ. Гуноҳкорга васл эшиги доим ёпиқ.

Лекин Машраб «эшик» деганда, икки олам орасидаги тимсолни назарда тутади. Яъни унинг эшиги — моддий оламнинг тугалланиши ва ғайбий оламнинг бошланиши. Ғайб дунёси биздан шу кўзга кўринмас эшик орқали ажралади. Эшикдан нариси сир. Ғайб. У томондан бизга пароканда илоҳий сасларгина келади.

Олам уйи ҳудудсиз. Лекин шу ҳудудсизлик ҳам

4.

васл шартини ҳам ўз фалсафаси доирасида ғоятда гўзал қилиб англатиб ўтди.

Одам боласи турли фисқу-фужур, гуноҳлардан ҳолий бўлгандагина васл муяссар бўлади. Яъни Яратганнинг ўзи бу тозарган ва тозариб, буюк масарратга эришган кўнгил хонақосига етиб келади.

Лекин бунинг учун битта шарт бор: муҳаббатнинг ҳеч қачон сўнмайдиган қудратли ўтига барча иллатларни қуйдириб ташламоқ даркор. Лекин шуниси ҳам борки, иллатларни қуйдириш билан ҳам иш тугамайди. Кўнгул хонақоси буюк осойишталик ва собир ҳаловат ҳам топмоғи зарурким, Машраб буни гўзал тарзда «хилват» тушунчаси билан англатади, — ана ўшанда унга Худонинг васли муяссар бўлажак.

Машрабнинг «айланиб келдим яна ғам уйига меҳмон бўлуб» деган сатри ҳам бор.

Хўш, «ғам уйи» билан «кўнгул хонақоси» ўртасида алоқа борми? Улар инсонга тортиқ қилинган ҳудудларни англатувчи образлар. Лекин «ғам уйи» нима дегани? Машрабдагина эмас, умуман қадим шеъриятимизда бу образга бот-бот дуч келамиз. Уни «байтулҳазан» деб ҳам атаганлар. Яратганнинг ёди ва ишқи билан оламни тинмай кезган, оламни ва олам орқали ўзини ахтарган Машраб айланиб-айланиб тағин «ғам уйи»га етиб келдим, дейди.

«Байтулҳазан»ни шарқ луғатлари мажозан айрилиқ шиддатида қолган ошиқнинг кулбаси ва умуман ошиқлар харобаси деб тушунтирадилар. Олам — ошиқлар назарида — катта ғам уйи. Ошиқнинг ёлғиз изтироб чекиб ўзини излайдиган даргоҳ эса, кичик ғам уйидир.

Кўнгил хонақоси ҳам, ғам уйи ҳам шундай масканки, у ерда ҳеч қандай можароларга, моддий дунёнинг талашиб-тортишувларига ўрин бўлмаслиги ва сабаб топилмаслиги керак. Машраб айтади: «Дил ани дерларки, ҳаргиз можароси бўлмаса...». Бу нима дегани? «Можаролар» ҳукмида қолган дил—дил эмас. Можаролар ҳукм сурган жойда муҳаббатдан асар қолмайди. Можароларга берилган кўнгил Яратганнинг ёдини унутади. Чунки дил ўз можароси билангина овора бўлиб кетади.

Машраб ўзини можаролардан ҳолий қилиш учун дунёдан этак тортди. Дунё тўхтовсиз уни ўз домига, ўз лаззатига тортиб келди, у тўхтовсиз тарзда ундан қочди. Дунё ишқини зарраларгача вужудидан суриб чиқарди. Бора-бора дунё ҳаваси ўрнини ҳайрат эгаллади. Ҳайратлар унда оламни ва уни Яратганни англаш ва ҳис қилишнинг энг баланд нуқтаси каби пайдо бўлди. Ҳайрат Машрабни то сўнгги дамгача бир зум бўлсин тарк этмади.

Машраб том маънода ҳайратга чўмган одам эди. Унда жозиба қудрати камолга етган эди. У ўзини бекорга «Машраби мажзуб» деб атамайди. У ўзини ва ўз ҳаёт тарзини доим Мусо, Исо, Мажнун, Мансур сиймоси ва яшаш равишларига қиёслаб боради. Ўзини улар изидан бораётган, уларга эргашаётган ҳолда тасаввур қилади. Кўп ўринларда Жаброил билан ҳамсуҳбат бўлганлигини таъкидлаб ўтади: «Лекин арш устида Жибрилдур менинг ҳамсуҳбатим...».

У ҳар қачон кўз ўнгида Мансур қисматини жонлантиради. Ўзини жуда эрта Мансур қисматини такрорлашга, Мансур ичган азоб шаробини ичишга чоғлайди: «Неча Мансур ўлди иршодманд муҳаббат йўлида. Менга ҳам дори қурулғонда етар бу қисматим...». Машраб умри туганчида эришган дорни умрининг ибтидосиданоқ орзу қилган, ўзи учун Мансур Халлож йўлини йўл деб танлаган эди. Мансур унинг назаридa ўзининг буюк ҳаёти ва руҳи билан Худонинг васлига етишган зот эди.

Сўзи, нияти, иши беиҳоя тоза сиймо эди Машраб. У: «Суратим гарчи башар келди, малакдур сийратим» деганда, бу чиройли сўзларгина эмас, бу унинг —шоир инсон ва мутафаккирнинг чин маънодаги борлиғи эди.

«Дунёнинг виждони» деган бир тушунча бор. Инсоният тарихида жуда оз зотлар дунёнинг виждони деган таърифга муяссар бўлганлар.

Машраб ишқининг буюклиги, излашларининг буюклиги ва инсоният азобларини ўз устига олганлиги ва покликнинг энг гўзал мақомига эришганлиги, ўзини маънавий камолотнинг олий чўққиларига олиб чиқа олгани билан — дунё виждонларидан бири деб аталишга лойиқ.

У мужассам виждон эди. Унинг буюклиги виждон буюклигидир.

Машрабнинг тинимсиз ҳайронлиги шундан.

Эшик-ку мавжуд. Хўш, нега у очилмайди. Очилмайдиган эшик ҳам бўладими? Очилмаса, у эшик деб англанадими?

Ҳамма гап шунда.

Эшик мавжуд.

У очилиши керак. Очилади. Лекин инсон остонадан эшиккача бўлган моддий маконда бу эшикнинг калитини топмоғи керак.

Калит топилмаса, одам нотамом ўтади.

Остона тагига нопок қулайди.

Машраб сени деб
кечти жаҳондин
Бошини қўйди
остоналарга...

Остона ва эшик орасида галаб аҳли ўзини камолотга тайёрлайди.

Комил инсонгагина эшик қия очилади.

Демак, маънавий камолотгина инсонни чекланган, тор оламдан чекланмаган кенг оламга олиб чиқади.

Шунинг учун Машрабга ўхшаш зотлар дунё лаззатларидан кечиб, ширин жонларини чексиз қийноқларга солиб комиллик излайдилар.

Комилликка етиш билангина васл имкони туғилади.

Баъзилар, балки кўплар бу эшикни Марғилонда машҳур адабий қаҳрамон ўша остона ва эшик орасида. Яратганнинг ҳидояти — сиротул мустақим — тўғри йўл ҳам остона ва эшик орасида. Барча маконлар, уй ва ҳонақолар ҳам шу орада. Ва ниҳоят, тан — вужуд ва унинг тожи—кўнгул ҳам шу орада.

Машраб коинот ичида ўз арши, кунгураси, эшиги, остонаси ҳамда эшик ва остона орасидаги мустақим йўл ва бўстонларини тасвирга туширараркан, доим ана шу маконлар ора кўнгил хонақоси борлигини ҳам бир зум бўлсин назардан қочирмайди.

«Кўнгулнинг хонақоси» — эшик, остона, арш, кунгура, гулзор тимсоллари қаторида туради. Машраб дунёсида улар бир-бирлари қарашлари ва образлари дунёсида улар бир-бирлари билан чамбарчас боғланганлар.

Кўнгулни хонақо деб тасвир қилиш жуда ҳам тийран нарса. Аслида хонақо — обидлар, ибодлар маскани. У — хилват. Ибодатгоҳ. Кўнгил ибодатгоҳига олиб борадиган йўлни — сиротул мустақим деганлар.

Куйса муҳаббат ўтига
фисқу фужур, гуноҳларинг,
Хилват этиб келур ўзи
кўнгулни хонақосига...

Биз васл шартини ахтараётган эдик. Мана, Машраб

Хушнуд этувчи хабарлар

● ХОТИРА

РАШИДОВ НОМИ БЕРИЛДИ

● УСТОЗ Абдулла Қаҳҳор таъбири билан айтганда асрлардан буён водий ҳуснига тушган ямоқ — марказий Фарғона чўлларининг ўзлаштирилганлигига ҳам 40 йил тўляпти.

Бу чўлларнинг ўзлаштирилиши Шароф Рашидов номи билан боғлиқдир. У киши Марказий Фарғонани ўзлаштириш бош штаби — колхозлараро кенгашнинг биринчи раиси бўлган эди. Ёзёвон районидаги «Целинник» давлат хўжалиги чорвачилик ва дончиликка ихтисослашган. Жумҳуриятнинг раҳбари бу хўжаликни ташкил этишда ўзи бош бўлган. Кейинчалик ҳам йўли шу томонларга тушганда чўлқуварларни кўрмай ўтмас эди.

Яқинда жамоа миришкорлари ўзаро маслаҳатлашиб якдиллик билан хўжаликка Шароф Рашидов номини беришга қарор қилишди.

А. ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

● ПАЗАНДАЧИЛИК

ТАНСИҚ ТАОМЛАР

● БУ САФАР дастурхонга ячмон, зоғора нон, қотирма, пиёзли патир, кўк чучвара, чалпак, ёрма каби кўплаб миллий таомлар тортилди.

Жиззах вилояти ҳокимияти ҳузуридаги хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан Фориш районида ёшлар кўриги ўтказилди. Зеро, улар бугунги кунда унутилиб кетаётган миллий таомларимизнинг дастурхонига файз киритишини кўрибгина қолмай, уларни тайёрлаш сирларини ўрганишга ҳам муваффақ бўлдилар.

Форишлик Зарифа Умарова тайёрлаган чучвара, зоғора нон, Пахтакор районидан Марям Содиқова пиширган гулманти, ҳалим, Мирзачўл район халқ таълими бўлими услубшуноси Гулнора Оналбоева ёпган «Баҳор» ширинлиги тўпланганларга айниқса манзур бўлди.

Кўрикда вилоятнинг Баҳмал, Фориш, Пахтакор, Мирзачўл, Зомин районлари пазандалари тақсинга лойиқ, деб топилди.

Б. САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

● ИСТИҚЛОЛ КУРТАГИ

ЎЗАРО МАНФААТДОРЛИК

● Бухоро вилояти қишлоқ техникаси таъминоти ва таъмироти бирлашмаси яқинда бир гуруҳ туркиялик ишбилармонларни қабул қилди.

Туркиянинг «Элком» фирмаси ва машҳур «Рено» француз фирмасининг Туркиядаги бўлими раҳбарлари ўзаро ҳамкорлик имкониятларини ўрганиш мақсадида Бухорога келишди. Сафар натижасида бир қатор соҳалар бўйича ўзаро шерикчилик алоқаларини ўргатиш хусусида келишиб олинди. Чунончи, «Рено» фирмаси бу ерда қишлоқ хўжалик техникаси учун аккумуляторлар ишлаб чиқариш заводи қурилишига киришишни таклиф қилди. Завод маҳсулоти хўжаликларга сўм ҳисобига сотилиши мўлжалланмоқда.

Н. НАИМОВ.
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ДУНЁНИ СУВ ОЛСА...

— Янги мактаб қурдираман, деб соғлиғимдан айрилдим, сочимга оқ оралади. Уч йилдан кўпроқ югуриб, «Дунёни сув олса, ўрдакка нима ғам», деган мақол беғам, бепарво, эл-юрт ғамини емайдиган раҳбарларга қарата айтилганлигини англадим. Ниҳоят, қурилиш бошланди. Бу—муродимизга етдик, деган гап эмас. Қувонишга ҳали эрта...

Асака ноҳиясидаги 44-тўлиқсиз ўрта мактаб директори Маъруфжон Эргашев билан суҳбатимиз ана шундай бошланди. Қўлимизда шу мактаб қурилиши ҳақида бир ярим йил аввал ёзилган арзнома турибди. Унга йигирма тўққиз киши имзо чеккан. Биз бу ҳақда ёзишдан кўра қурилишни тезлаштиришга амалий ёрдам беришни афзал кўрган эдик. Иложи бўлмади. Қурилиш чўзилиб кетди. Шу сабабдан Маъруфжон Эргашевнинг изтиробли кечинмаларини эътиборингизга ҳавола этишни маъқул кўрдик.

— Бунга беш йил бўлди. Мени 44-тўлиқсиз ўрта мактабга директор этиб тайинлашди. У собиқ «Социализм» (ҳозирги Бобур номли) жамоа хўжалигининг эски биносида жойлашган эди. 1987 йил октябрда қаттиқ қор ёғди, 8 та синфхона қулаб тушди. Мактаб чойхона ва инкубаторияга кўчирилди. Шундан кейин жамоа хўжалиги иккита дала шийпонини бир жойга қуриб, вақтинча фойдаланиб туриш учун бизга берди. Уни ўз кучимиз билан синфхоналарга мослаштирдик. Лекин ошхона, кутубхона, жисмоний тарбия майдони ва хонаси йўқ. Атроф очиқ, дала. Синфхоналар қишда совуқ, ёзда иссиқ. Мактабимиз жойлашган шийпон тор бўлгани учун ўқувчиларнинг бир қисми ҳануз чойхонада таълим оляпти. Чойхонада ўтилаётган дарснинг сифати тўғрисида гапиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

1988 йил апрель. Қишлоғимиздаги иккита 44 ва 45-мактаблар базасида 834 ўринли битта мактаб қуришга келишилди. Архитектура лойиҳа топшириғи ва лойиҳа-смета ҳужжатларини эса ўзимиз тайёрлатадиган бўлдик. Қишлоғимиздаги 46-, 48-мактаблар ҳам авария ҳолатида эди. (Ҳозир ҳам шундай). Уч директор ёзги дам олишдан воз кечиб, ярим йилда ҳужжатларни тайёрлатиб, уни Ўзбекистон хўжаликлараро лойиҳалаш илмгоҳининг Андижон филиалига топширдик. Буни қарангки, бизнинг мактабимиз авария ҳолатидаги мактаблар рўйхатига киритилмаган экан. Тағин оворагарчилик, диққатбозлик бошланди. Собиқ Андижон вилоят ижроия қўмитасидан, вилоят халқ таълими бошқармасидан вакиллар келишиб, йўл қўйилган хато тўғриланди. Мактабимиз авария ҳолатидаги мактаблар рўйхатига қўшилди. Лекин бу билан иш битмади. Чунки Тошкентга юборилган мазкур рўйхатга тузатиш киритиш осон кўчмади.

Республика лойиҳалаш давлат қўмитасидан янги мактаб қуриш учун рухсат олдик. 1989 йилда лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланиб, 1990 йилда мактаб давлат ҳисобидан қуриладиган бўлди.

Кўп ўтмай яна бир тўсиққа дуч келдик. Тозалаш иншоати 48-мактаб лойиҳасига, қозонхона эса 16 хонали уй лойиҳасига қўшилганлиги маълум бўлди. Бу жуда кулгили эди. Уй-жой қурилиши вақтинча тўхататиб қўйилганди. Тозалаш иншоати ва қозонхонасиз янги замонавий мактаб қуриш мумкин эмасди. Шу сабабдан мактабимиз қурилиши яна режадан чиқариб ташланди.

Тағин ташвиш, тағин асабийлашиш... Директорликдан воз кечиб, оддий муаллимлик қилсам куним ўтмай қоладими, деган тўхтамга келдим. Бироқ муаллимлар, ота-оналар, таслим бўлмаймиз дея, мени қурашга даъват этдилар. Қўлингиздаги арзномани ёзишга жазм қилдик.

Қурашлардан кейин қозонхона қурилиши кичрайтирилиб, мактабимиз лойиҳасига қўшилди. Мактабни қуриш вилоят деҳқончилик саноати қурилишига қарашли 1-қурилиш трестига топширилди.

1-қурилиш трестининг Мамашариф Мамажонов раҳбарлик қилаётган 111-механизациялашган кўчма жамоаси мактаб қурилишини бошлаб юборди. Режа бўйича шу йил сентябрь ойида ўқув йилини янги мактаб биносида бошлашимиз керак. Лекин бу ҳали орзу, холос.

Маъруфжон Эргашев бизни қурилиш майдонига бошлаб борди. Икки қаватли мактаб биносининг девори битай деб қолди. Усти ярим ёпилган, эшиклар қурилмаган, бино деворларини 129-махсус механизациялашган кўчма сафи жамоаси сувоқ қиляпти. Бу иш Насирилло Бобохўжаев раҳбарлигида бажариляпти. Лекин сувоқ ишларининг сифати кўнгилдагидек эмас. Ҳозироқ ғиштнинг шўри чиқиб ётибди.

Девори битган синфхоналарга иситгичлар ўрнатилмоқда. Бу ишни М. Кимсанов бошлиқ 344-махсус механизациялашган кўчма сафи жамоаси бажаряпти. Лекин улар қувурлар етишмаётгани сабабли белгиланган муддатдан орқада қоляпти. Лойиҳа бўйича иккита каттакичик жисмоний тарбия хонаси қурилиши керак. Унинг пойдевори қурилди, холос. Қозонхона лойиҳа бўйича кўмирга мослаштирилган эди. Олти юз метр наридан табиий газ ўтади. Шу муносабат билан лойиҳага тузатиш киритилди. Аммо унга маблағ ажратилгани йўқ. Сув муаммоси ҳам ҳал бўлган эмас. Артезиан қудуғи қазиш учун пул йўқ. Вилоят ҳокимияти қудуқ қазилганидан сўнг пул ўтказиб беришни ваъда қилган. Бироқ Сирожиддин Тоштемиров бошлиқ «Обиҳаёт» қурилиш-монтаж бошқармаси ишни насияга бажаришни рад этди.

— Ишимизда бошқа тўсиқлар ҳам бор, — деди 111-махсус механизациялашган кўчма сафи устаси Муроджон Қодиров биз билан суҳбатда. — Пишиқ ғишт, темир-бетон плиталар, арматура, электрод етишмаяпти. Таъминотда узилиш бўлмаса бизга боғлиқ ишлар янги ўқув йилигача поёнига етказилади. Пардозлаш ишларини эса бошқа ташкилот бажаради...

Кўриниб турибдики, ҳали қилинадиган ишлар кўп. Қўнғироқ чалинадиган кунлар йироқ. Қувончли кунларни яқинлаштириш қурувчилар, пардозловчилар, артезиан қудуғи қазиб, сув чиқарувчилар, М. Абдулин, бошлиқ энергетиклар, А. Мингбоев бошлиқ ободонлаштирувчилар, қолаверса вилоят халқ таълими бошқармаси раҳбарларининг амалий ёрдамига боғлиқ.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ХАТ ЙЎЛГА ЧОРЛАДИ

Ҳакимжон Каримов Намангандаги «Шарқ» пойабзал бирлашмасида ишлайди. Қарийб 22 йилдан буён бежирим пойабзал буюмлари тикиш билан машғул. У тиккан этик, махси, туфли ва бошқа оёқ кийимлар истеъмолчиларга манзур.

Моҳир уста ёшларга ўз касби сирларини ўргатишдан ҳам чарчамайди. Ҳозир унинг шогирдлари сони 20 дан ошди. Улар бирлашманинг турли цехларида ишлаб, кўпчилик эътиборини қозонишмоқда.

СУРАТДА: Ҳакимжон Каримов шогирдлари даврасида.

П. АКБАРОВ олган сурат.

● СПОРТ

ПЕШҚАДАМЛАР ЎЗГАРДИ

● ОЛИЙ ЛИГА футбол жамоалари ўртасида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатининг 12-тур ўйинлари муҳлисларда катта қизиқиш уйғотди.

Энг йирик ҳисоб Наманганда ўтказилган ўйинда қайд этилди. Навбаҳорчилар билан «Пахтакор-79» жамоаси учрашувида бешта жавобсиз тўп киритилди. Наманганлик ишқибозларнинг қувончи чексиз эди. Тўпларни навбаҳорчилардан Ферханов, Усмонхўжаев, Забиров, Раҳмонов (иккита) дарвозага йўллашди. Бу ғалабадан кейин «Навбаҳор» тўртинчи ўринга кўтарилди.

Бу сафар пахтакорчилар ҳам мухлисларни қувонтиришди. Улар Андижонда «Наврўз» жамоасининг меҳмони бўлиб, дарвозани уч марта ишғол этишга муваффақ бўлдилар. 34-минутда Синелобов ҳисобни очган бўлса, 65 ва 75-минутларда Галиев ғалабани мустаҳкамлади. Пахтакорчилар пешқадамлар сафидан ўрин олишди. Бухоронинг «Нурафшон» жамоаси бу гал ҳам ҳужумкорликка зўр берди. Улар бу сафар иккинчи ўринни эгаллаб турган «Нефтчи» жамоасини қабул қилдилар. Учрашувнинг 10 минутида бухоролик Тиллаев дарвозага киритган ягона тўп майдон эгаларига ғалаба келтирди. Нурафшончилар иккинчи ўринга кўтарилишди. «Косонсойчи» ҳам мавқеини мустаҳкамлади. Бу жамоа «Янгиер» майдонида ғалаба (2:0) қозониб, очколарини 11 тага етказди. Қолган ўйинларда қуйидаги ҳисоблар қайд этилди: «Сурхон» — «Шаҳрихончи» — 1:1, «Марқанд» — «Темирйўлчи» — 2:1, «Трактор» — «Орол» —3:2.

ЎЙИНЛАР ЖАДВАЛИ

	Ю	Д	М	Т	О
Сўғдиёна	8	0	2	16-6	16
Нурафшон	5	5	1	15-8	15
Пахтакор	6	2	1	17-6	14
Навбаҳор	5	4	2	15-7	14
Нефтчи	6	1	2	15-5	13
Темирйўлчи	5	3	3	14-7	13
Наврўз	4	5	3	16-15	13
Косонсойчи	5	1	5	13-10	11
Марқанд	4	2	4	13-15	10
Чирчиқ	4	1	6	13-16	9
Трактор	4	1	6	11-17	9
Кимёгар	3	3	4	10-14	9
Пахтакор-79	3	2	5	11-19	8
Шаҳрихончи	1	5	4	6-16	7
Орол	2	2	6	7-12	6
Сурхон	0	6	5	8-16	6
Янгиер	2	1	8	9-18	5

ҲОДИСА

ЎТ БАЛОСИДАН АСРАСИН

Урганчда мисли кўрилмаган ёнғин чиқди, ёнғин тунда уч соат давом этди. Ҳамза кўчасидаги икки қаватли коттеж ичидаги жиҳозлар билан қуйиб кул бўлди. Уй эгаси — Хоразм таъмирлаш-қурилиш трестининг бошқарувчиси Э. Маҳмудов болаларини ва рўзғор буюмларидан баъзиларини қутқариб қолишга урниб, ўзи ҳалок бўлди.

Олов қўшни уйларга ўтди. Қўшнилардан икки оила бошпанасиз қолди. Ўзга қўшниларга ҳам зарар етди.

Шаҳар прокуратураси ёнғин сабабларини текширмоқда.

ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ

ҚОРАКЎЛГА ҚУРБАҚА ЁҒДИ

Шу куни туни билан сел келди, дўл ёғди, шамол кучайиб бўронга айланди. Кўча-кўйда ҳеч ким кўринмасди.

Тонг отгач, ҳавонинг авзойи яхшиланди. Лекин Қоракўл районининг баъзи жамоа хўжаликлари аҳолиси ташқарига чиқиб, ҳайратдан донг қотиб қолди. Кўча, далалар қурбақаларга тўлиб кетганди...

(ЎзА).

● Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида қўзиқоринларнинг 300 дан зиёд тури мавжуд. Бироқ шулардан фақат 25 хили истеъмол қилиш учун яроқлидир. Бу нарса асосан халқ анъаналари билан изоҳланади. Яъни, Ўзбекистоннинг ҳар қайси вилоятида, ҳар бир туманида қўзиқоринларнинг фақат айрим муайян турларигина теримб овқатга ишлатилади. Бошқа турларини эса маҳаллий аҳоли ўз ибораси билан «қурбақанинг салласи», яъни, заҳарли ўсимлик деб ҳисоблайди.

● Шифокор маслаҳати

ЗАҲРИ ҚОТИЛ

Эрта баҳорда пайдо бўладиган ва истеъмол учун яроқли бўлган қўзиқоринлар таркибида гильвели кислотаси мавжуд бўлиб, унга нотўғри ишлов берилган вақтда ўлим билан тугайдиган ўткир заҳарланиш ҳолларига олиб келади. Одатда қўзиқорин қовуриб ёки тузлаб истеъмол қилинади.

Лекин қўзиқоринларнинг жуда кўп турлари заҳарли ҳисобланади ва уларни асло истеъмол қилиб бўлмайди. Шуни ҳам айтиш керакки, бундай қўзиқоринларга қанчалик ишлов берилмасин, улар таркибидаги заҳарли моддалар йўқолиб кетмайди ҳамда истеъмол қилган кишиларни овқатдан заҳарланиш касаллигига дучор қилади. Оқ қўзиқорин, қизил ва қул ранг «қурбақанинг салласи», «мухомор» деб аталган қўзиқорин ва бошқа шунга ўхшаш қўзиқоринлар айниқса заҳарли бўлиб, истеъмол учун мутлақо яроқсиздир. Мутахассислар ўрганиб чиққан етти хил заҳарли қўзиқоринларнинг ана шу номлари санаб ўтилган, 3 хили айниқса хавфли бўлиб, бемор ҳаётини сақлаб қолишнинг иложи бўлмайди.

Ўрта Осиёда ўсадиган ана шундай ўткир заҳарли қўзиқорин турларидан бири — лепиота деб аталади. У Тошкент атрофида ҳам, шаҳардаги истироҳат боғларида, гулзорларда, сайҳон жойларда, дарахтларнинг теварагида ва бошқа жойларда ҳам учраб туради. Баъзи маълумотларга қараганда, ундан хўл меваларга хос бўлган ҳид таралиб туради. Қуритилган қўзиқоринлардан жуда ҳам ноҳуш ҳид таралади.

Лепиота барча қўзиқоринларга ўхшаб соябон шаклида ўсади, уни истеъмол қилган беморнинг дастлаб кўнгли беҳузур бўлиб, қуса бошлайди, қорнида оғриқ пайдо бўлиб, бутун аъзои бадани бўшашиб кетади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қўзиқорин заҳари нафақат қоринга, балки кишининг жигарига ҳам жуда ёмон таъсир кўрсатади.

Қозиқориндан заҳарланиш ҳоллари ҳар йили баҳор ва куз фаслларида содир бўлиб туради. Айниқса шу йилги қўзиқориндан заҳарланиш ҳоллари аянчли ҳодисаларга олиб келди. 30 апрелдан 5 майга қадар 10 та қўзиқориндан заҳарланиш ҳодисаси рўйхатга олинди, улардан 29 киши заҳарланганлиги қайд этилди. Маълум бўлишича бу кишиларнинг кўпчилиги Сирғали районидаги тайёрагоҳ атрофидан қўзиқорин теришган экан. Барча беморлар ғоят кучли заҳарланиш аломатлари билан 1-шаҳар касалхонасига ётқазилди. Уларга малакали тиббий ёрдам кўрсатилди, бироқ 2 беморни сақлаб қолишнинг иложи бўлмади. Қўзиқориндан заҳарланиб, оққўрғонлик 24 ёшли Зулфия Қобилова ва янгийўллик 16 ёшли Е. Именко вафот этдилар.

Шу муносабат билан биз ҳурматли газетхонларга мурожаат қилиб, бундай ҳоллар содир бўлганда дарҳол шифокорларга мурожаат қилишни маслаҳат берамиз. Шифокор келгунича беморнинг ошқозон ва ичакларини тозалаб ювдириш ва тўшакка ётқизиш керак. Беморга озгина номокоп сув ёки аччиқ чой ичириб туриш лозим.

Қўзиқорин билан заҳарланган вақтда спиртли ичимликлар ичиш мутлақо ман этилади. Чунки алкоголь қўзиқорин заҳарларини баданга тарқатиб юборади.

Б. ТОЖИХОНОВ,
Тошкент шаҳар Бош санитария врачи вазифасини бажарувчи.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

Станок балансировочный „eldis-1200„

Давлат корхонаси Сизга доимий яхши даромад манбаига эга бўлиш имконини беради!

Биз Сизга ўз корхонангизни очиб, ўз тақдирингизни ҳақиқий эгаси бўлишингизда ёрдам берамиз!

Жаноблар, Сизлар учун турли-туман автосервис ускуналари бор.

Шошилинг, жаноблар! Сизнинг даромадингиз учун биз бош қотирамиз!

МАНЗИЛИМИЗ: 700099, Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 118-уй, 607-хона.

Телефон 34-25-81, ички телефон: 1-67.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ МУҲАНДИСЛАРИ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

техникавий йўналиш фанларини чуқур ўрганиш мақсадида

олий билимгоҳ қошидаги
ўзбек ва рус тилларида таълим берувчи лицейга

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Лицейга жумҳурият ўрта мактабларининг 9-10 синфларини барча фанлардан «4» ва «5» баҳолар билан тугаллаган, ТИҚХММОБда ўқишни давом эттиришга истаги бор ўқувчилар қабул қилинадилар.

Олий билимгоҳ таълим олувчиларни ётоқхона ва ҳар куни уч маҳал иссиқ овқат билан таъминлайди. Асосий фанлар бўйича дарслар олий билимгоҳнинг юқори малакали ўқитувчилари томонидан ўтилади.

Лицейга қабул қилиш ўрта мактабларнинг 9 ва 10-синф дастури бўйича математика (оғзаки), ва физика (оғзаки)дан кириш имтиҳонларини топширганидан кейин танлов асосида ўтказилади.

Таълим олувчилар лицейни тугатгандан кейин битириш имтиҳонлари натижалари асосида ўзлари хоҳлаган куллиётнинг биринчи курсига қабул қилинадилар.

Лицейга кирувчилар ва номзодлар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: олий билимгоҳ ректори номига ўқувчи, унинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнидаги шахслар имзолаган ариза, 9-синфни битирганлиги ҳақида гувоҳнома, мактаб муҳри билан тасдиқланган, 10-синфни битирганлиги тўғрисида ўзлаштириш табели (лицейнинг 11-синфига кирувчилар учун), соғлиги ҳақида 086/У шаклдаги маълумотнома, 3х4 см. ҳажмдаги фотосурат (12 дона).

ЛИЦЕЙГА КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ 1992 ЙИЛ 1 — 14 ИЮЛДА ЎТКАЗИЛАДИ.

Ҳужжатлар 30 июнгача лицей қабул комиссиясининг қуйидаги манзилида — Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. ТИҚХММОБнинг 12-ўқув биносида қабул қилинади.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Енгил саноат моллари ишлаб чиқариш Ўзбекистон давлат уюшмаси раиси ўрток Ў. Қ. Исмоиловга ва унинг оила аъзоларига оналари

Иҳтибор ИСМОИЛОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Енгил саноат моллари ишлаб чиқарадиган Ўзбекистон Давлат уюшмаси «Ўзбекистон енгил саноат уюшмаси» жамоаси уюшма раиси Ў. Қ. Исмоиловга онаси

Иҳтибор ИСМОИЛОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: А. АБДУБАННОПОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*



БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; 33-20-36, 32-54-36, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; аҳлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

УЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода —3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») —общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

386.914 нусхада чоп этилмоқда.

Буюртма № Г—128.

№ 101.

индекс 64583.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди —19.30. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.